

## Шоира Зулфияхонимга бағишланди

"Қишлоқ хўжалигини механизациялаш" факультети хотин - қизлар Кенгаши раисаси Н. Холикованинг ташаббуси билан жорий йилнинг 22 февраль куни факультетнинг талаба - ёшлари иштирокида шоира Зулфияхонимнинг таваллуд куни муносабати билан маънавий тадбир ўтказилди.

Тадбирга "Зулфия" мукофоти совриндорлари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Магистратура бўлими магистранти Холжигитова Дилбархон Баҳодир қизи ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Иқтисодиёт" факультети талабаси Машарипова Рухсора Олимжоновналар меҳмон сифатида ташриф буюришди ва шоира Зулфияхоним ҳаёти ва ижоди ҳақида давра суҳбати ташкил этишди ҳамда шоирамизнинг шеърларини ёддан ўқиб мушоира ўтказишди.

Тадбир жуда чиройли ва кўтаринки руҳда ўтказилди. Ёшларда шеърятга бўлган эҳтирослари янада ошди.



"Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети Маънавий-маърифий ишлар бўйича  
декан ўринбосари И.Рахимов ахбороти  
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов